

# **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН**

**Шерзод Таштурсунович БАХРАНОВ**

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Тошкент, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Ушбу мақолада мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланишига зарарли ҳашаротлар ва бошқа зараркундаларнинг таъсири, уларга қарши кураш усуллари тарихи таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** пахта, Россия империяси, Совет ҳукумати, тадқиқот, минтақа, қишлоқ хўжалиги экинлари, зарарли ҳашаротлар, зараркундалар, тадқиқотчи олимлар, Туркистон, муаммо, ривожланиш.

# **ИЗ ИСТОРИИ СТАНОВЛЕНИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ В УЗБЕКСКОЙ ССР**

**Шерзод Таштурсунович БАХРАНОВ**

доктор философии по (PhD) историческим наукам

Университет общественной безопасности

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

## **Аннотация**

В этой статье проанализированы влияние вредных насекомых и других вредителей на развитие сельскохозяйственных культур в нашей стране, а также история методов борьбы с ними.

**Ключевые слова:** хлопок, Российская империя, советское правительство, исследование, край, сельскохозяйственная культура, вредные насекомые, вредители, ученые-исследователи, Туркестанской край, проблема, развития.

XX аср бошларида ўлка боғдорчилигида чигиртка, курт-кумурсқа, кемирувчиларга қарши кураш олиб бориш учун 1925 йилда Туркистон энтомологик станцияси ташкил этилиб, 1931 йилда бу станция Бутуниттифок пахтачилик институти таркибига киритилди ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш Марказий лабораторияси деб атала бошлади. Ўз ҚХФА Президиумининг 1957 йил 27 сентябрдаги 3-сон қарори билан Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтига айлантирилган [7].

Институтда 18 та лаборатория, 4 та лабораторияни бирлаштирган вильт бўлими ишлаб турди. Шунингдек, 2 та ўсимликларни фитопотологияси ва

этомологияси бўйича услубий кенгаш ишлади. Бу бўлимлар қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш, пахта касаллиги ва бегона ўтларга, мева-сабзавотларга учрайдиган касалликларга қарши кураш, пахта экадиган хўжаликларда илмий тадқиқотлар натижаларининг ташвиқот-тарғиботи билан шуғулланди [3].

Илмий-тадқиқот институтида ўргамчак кана, кўсак курти, ғўза кандаласи, тамаки трипси, вильт касалликлари ва уларга қарши кимёвий моддаларни қўллаш усуллари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Институт ходимлари томонидан зарари кам бўлган кимёвий моддаларни қўллаш усуллари бўйича ҳам тадқиқот ишлари олиб борилди. Ғўза касалликларига қарши курашда кам харажат талаб қиладиган, ҳашаротларни ўзига жалб этадиган дала феромонларидан унумли фойдаланилди.

СоюзНИХИ Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказий станциясига (СТАЗРА СоюзНИХИ) унинг биринчи директори энтомолог В.В.Николький раҳбарлик қилди. Ундан сўнг 1932–1937 йилларда С.Қаюмов, 1937–1939 йилларда А.Осипенко, 1939–1944 йилда С.А.Журавская, 1949–1952 йилларда К.И.Мирпўлатов, 1962–1965 йилларда Б.Г.Алеев, 1965 йилдан биология фанлари доктори, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси С. Н. Алимухамедов раҳбарлик қилди.

*Ғўзанинг зараркунандаларга қарши чидамлилигини ўрганиш лабораторияси* очилган вақтда уни биология фанлари доктори С.Н.Алимухамедов бошқарди. Бу лаборатория ташкил топган 1925 йилдан бошлаб пахта навларининг чидамлигиги борасида доимий илмий тадқиқотлар олиб борилди. Лаборатория ўргимчаккана, тамаки трипси ва пахта совкаси каби зараркунандаларни ўрганди. Лаборатория олимлари томонидан ғўзага зарар етказувчи ҳашоратлар ва касалликларнинг 214 тури ва ҳашоратларнинг 203 тури рўйхатга олинди [7] И.Н.Степанцев, Ф.М.Успенский, Ф.М.Одилов, Л.И.Манина, И.А.Сомов, И.А.Павлова ва бошқалар томонидан ўргимчаккананинг турлари ва уларнинг биологияси

ўрганилди. Е.Н.Иванов, А.М.Мўминовлар томонидан пахта уруғини қайта ишлаш аниқланди [8]

*Кимё – токсикологик лабораторияси* 1931 йилда очилиб, уни биринчи раҳбари химик-токсиколог И.Б.Хахам бошқарди. Иккинчи жаҳон уришидан кейин 1952 йилгача лабораторияга А.М.Пругалов, 1952 йилдан 1980 йилгача республикада хизмат кўрсатган агроном Ф.А.Степанов бошчилик қилди. 1980 йилдан 1990 йилгача унга қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ш.Т.Хўжаев раҳбарлик қилди.

Лабораториянинг асосий вазифаси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кимёвий кураш усулларини ишлаб чиқиш бўлди. Лабораторияда 1930 йилга қадар олтингугурт препаратлари, маргимуш, фтор, бор ва бошқа турли захарлар ишлатилди. 1940 йиллардан қишлоқ хўжалигида ДДТ, гексахлоран ва бошқа кимёвий моддалар ишлаб чиқилди. 1950 йиллардан фосфорли кимёвий моддалар, меркаптофос, метилмеркаптофос, кейинрок, фосфамид, интратион, антио, фозалон, октаметил каби кимёвий моддалар ишлаб чиқилди.

1946 йилда собиқ Совет иттифоқида биринчи бўлиб А.М.Прегалов бошчилигида пахта дефоляциясини цианамид препаратлари ёрдамида амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, лаборатория кимёвий моддаларнинг токсикологик, физик-кимёвий таъсири хусусиятларини ҳам баҳолаб борди. Кимёвий моддалар экин майдонларида қўлланила бошлади. Натижада қишлоқ хўжалигида базудин, фозалон, дилор, гардона, тиодан, омайт ва бошқа кимёвий моддалардан фойдаланиш тавсия этилди [6]

Институтнинг 1965 йилда очилган *ем-хашак ва озуқа захираси лабораториясида* беда, маккажўхори ва бошқа қорамол емларига тушадиган касалликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб [9], турли кимёвий моддаларни навбатма-навбат сепиш усуллари жорий этилди. Бу тадқиқотлар 1974 йилда ташкил этилган Энтомология лабораториясида мунтазам амалга оширилди. Лаборатория пахта майдонларига зарар келтирадиган ҳашоратларга қарши курашнинг агротехник, агрокимёвий

усулларини умумлаштириш йўлга қўйилди. Ҳатто, зараркунандаларнинг тарқалиши, уларнинг келтирадиган зарари, заракундаларнинг экологик ва биология хусусиятлари ҳамда ўргимчаккананинг турлари ўрганилди. Бу борада Ф.Успенский бир қатор тадқиқотлар олиб борди [7]

1975 йилда институтда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методи лабораторияси очилди. Лабораторияда Вир, ИНЭБР, Зайцев номидаги селекция ва уруғчилик институтида пахта гибрид навларининг зараркунандаларга чидамлилиги тадқиқ этилди. Шунингдек, энтомофаг ва акарифагиларнинг маҳаллий навлари, кенг тарқалган зараркунандаларнинг турлари ўрганилди. Институт ходимлари томонидан совкага қарши курашда биологик усуллардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди. Дендробациллин, битоксибациллин, дипел ва бошқа биопрепаратларни қўллаш усуллари амалга оширилди [7].

1980 йиллардан трихограмма препарати 350,9 минг га. майдонда қўлланилди [8]. Институт ходимлари томонидан совок тухумларига қарши курашда энтомофаг, трихограммаларни қўллашнинг вақти, ҳажми, усуллари ишлаб чиқилди. 1990 йилларга келиб, биргина трихограмманинг ўзи Ўзбекистондаги 3 млн.га ерда қўлланилди. Совокнинг тухумдан чиққан куртларига қарши бракон қўллаш тавсия этилди. Пахтанинг вертицилез вильтига қарши триходерма замбуруғи қўлланилиши ишлаб чиқилди.

Институт ВИЗР, ВНИИ биометод, кимёвий ҳимоялаш бўйича Львов ГКБ, СоюзНИХИ, МГУ Микробиология институти (ВНИИСХ), Зоология ва паразитология институти, Ўзбекистон ССР ФА Биоорганик кимё институти ҳамда Ўсимликлар кимёси институти билан, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария, гигиена ва кассаликларнинг олдини олиш институти, Тошкент қишлоқ хўжалик институти, Тупроқшунослик ва агрокимё институти билан мунтазам ҳамкорлик қилиб турди. Пахта экиладиган майдонларда пестицидни қўллашни ўрганиш мақсадида пестицид ишлаб чиқарадиган фирмалар билан ҳамкорлик қилди [5].

*Институтнинг озуқа емлари ва озиқ-овқат заҳиралари зараркунандаларига қарши кураш лабораторияси* 1965 йилда очилиб, уни 1973 йилга қадар қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В.Н. Полевщикова, 1973 йилдан 1980 йилга қадар Н.М.Махмудхўжаев бошқарди. Лабораторияда беда, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик заҳираларини сақлаш бўйича янги такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқилди. Лабораторияда кимёвий моддаларсиз озуқа емлари ва озиқ-овқат заҳиралари зараркунандаларига қарши кураш усуллари, пестицидларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мавзуларида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотларда И.Г.Носков, И.З.Вяльцев, С.А.Харин, В.Н.Полевщикова, С.Н.Алимухамедов, А.Х.Ходжаев, Н.М.Махмудходжаев, Р.И.Капустина, Т.К.Хамдамзода, В.И.Сорокина, М.У.Умарова, Б.Одилов, А.Тўйчиева, К.Асанов, М.З.Тоиров, Л.Мирмақсудовалар фаолият олиб бордилар [8].

*Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларининг патологияси лабораторияси* 1975 йилда биофизметод лабораторияси базасида ташкил этилди. Лаборатория турли иқлим шароитларида қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши микробиологик препаратларни қўллашни асослаш, ўзага зарар етказувчи совки капалакларини турли хил нурланиш спектрли лампалар билан электр ёруғлик тузоқларига жалб қилиш усуллари ишлаб чиқилди [12]. Лаборатория маҳаллий микробли препаратлар—дендробациллин, энтобактерин, инсектин, шунингдек, кимёвий моддаларнинг пахта совкасига қарши суяқлиги устида тадқиқотлар олиб борилди. 1973 йилда дендробациллин препарати қишлоқ хўжалигида 25 минг га ерда қўлланилди ва бу 25 минг рубль иқтисодий самара берди. Бу препарат 1976 йилда 352 минг га., 1980 йилда 918 минг га. пахта ва қишлоқ хўжалик экинларига ишлатилди. Препаратларни авиация орқали қўлаш ҳам тавсия этилди [7].

Шунингдек, институт қишлоқ хўжалик бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ташвиқоти ва тарғиботи билан ҳам шуғулланди. Қишлоқ хўжалик заракунандаларига, ўсимлик касаллилари ва бегона ўтларга қарши

кураш олиб бориш бўйича маърузалар ташкил қилинди. ОАВларида чиқишлар ташкил қилинди. Илмий ишлар, варақалар, илмий мақолалар мунтазам нашр этиб турилди. Ўзбекистон ССР ВДНХ “қишлоқ хўжалик” повильонида, СССР ВДНХсида кўргазмалар ташкил этиб турилди.

*Энтомофагларни кўпайтиришни қўллаш лабораторияси* 1979 йилда очилди. У энтомофагларнинг маҳаллий турлари ва популяцияси билан шуғулланди. Шунингдек, ўсимликларни биологик усуллар билан ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, биофабрика қошида ишлаб чиқарувчи биологическая мутахассисларини қайта тайёрлаш ишлари олиб борилди.

*Экология ва прогноз лабораторияси* 1958 йилда ташкил этилди. Лабораториянинг илмий-тадқиқот ишлари гўза ва алмашлаб экиладиган экинларнинг асосий зараркундаларининг ривожланиш ва купайиш муддатларини прогноз қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилди.

Шунингдек, вильт касаллигига қарши тадқиқотлар Ўрта Осиёда 1914 – 1916 йилларда Н.Г.Запрометов томонидан бошланган бўлиб, 1932–1954 йиллардан А.И.Соловьев ва Л.В.Поярковлар вильтнинг биоэкологик патогени, унинг зарарларини аниқлаш ва унга қарши кураш билан шуғулланди.

1959 йилда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги қошида Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида пахта вильти бўйича лаборатория очилди. 1962 йилда тўртта – вильтни қўзғатувчи биология, вильт иммунитет, вильт физиологияси ва биохимия, кимё ва микробиологик усуллар каби лабораториядан иборат Вильт бўлими очилди [4].

Бу бўлимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари, хусусан пахтанинг вильтга чидамлилигини текшириш мақсадида натижалар Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида қўлланилди. Тадқиқотлар давомида полиз экинлари, картошка, сабзавотларнинг заракундалари ва ингичка толали пахтага вильтнинг зараридан ташқари Тошкент–1, Тошкент–3, 108-ф ва 133, С–4727,

С–2602, Қизил работ навлари ҳам вильт билан зарарланиши аниқланди [8] Саккизинчи беш йилликда (1966–1970) вильтга қарши кураш асосий масалалардан бири бўлди. Бу касаллик пахтакор колхоз ва совхозларга жуда катта зарар келтирди. Масалан, 1969 йилда Самарқанд областида 77 минг гектар ёки умумий пахта майдонининг 46 фоизи вильт билан касалланди, шундан 23 минг гектар ғўзанинг 13,4 фоизи юқори даражада касалланди [1].

1988 йилда бу бўлимда учта лаборатория – “Тупроқ патогенлари биологиясини ўрганиш”, “Ўсимликларнинг касалликларга қарши иммунитети”, “Ўсимликлар касалликларига қарши курашнинг микробиологик методлари” бўлимлари ишлади [7].

*Фитопатология ва микрология лабораторияси* 1969 йилда фитопатология ва микрология лабораториялари базасида ташкил этилди. Бу бўлимда А.И.Соловьев, П.Г.Естифеев, А.А.Васильев, А.А.Поярковалар вильтга қарши тадқиқотлар олиб борди. Шунингдек беданинг асосий касалликлари ва унга қарши кураш М.В.Леонтьев, М.А.Каримовлар томонидан амалга оширилди.

*Гербицидлар лабораторияси* 1957 йилда ташкил этилган бўлиб, лаборатория ходимлари томонидан республика ҳудудларида турли бегона ўтлар топилди, маҳаллий ва хорижий гербицидлар қўлланилди, пахта майдонлари ва маккажўхори экилаётган вақтда гербицидларни сепишнинг янги (ёппасига ва лентали) усуллари қўлланилди. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришга доир тадбирлар кимёлаштириш билан боғлиқ деб ҳисобланди. Кимёлаштиришга ўсимликлар учун зарур озик моддалар миқдорини кўпайтириш билан бирга, далалар ҳосилдорлигини кўтаришнинг, тупроққа зарур кимёвий моддалар солиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларини бегона ўтлар, зарарқунанда ва касалликлардан кимёвий воситалар ёрдамида ҳимоя қилишни кенгайтириш сифатида қаралди.

Ишлаб чиқаришга диурон, монурон, прометрин, далапон, трефлае, которан каби кимёвий моддалар тавсия этилди ва маълум майдонларда қўлланилди. 1980 йилларда республиканинг 1 млн. га. экин майдонларида трефлан ва далапол каби пестицидлар қўлланилди. Узоқ йиллик бегона

ўтларга қарши пахтачиликда далапон аммофос билан бирга қўлланилди. Маккажўхориға симазин ва атразин гербицидлари қўлланилди.

Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситаларини етказиб беришнинг тобора ортиб бориши, уларни қўллашни бирмунча самарали усулларига ўтиш, қишлоқ агрокимё хизматини такомиллаштиришга эътибор кучайтирилди. 1989 йилга келиб, республикада 250 дан зиёд зоналар ва 2000 та район агрокимё лаборатория ва пунктлари ишлаб турди. Карантин пунктлари, ўсимликларни химоя қилиш станциялари, сигнализация постлари, зараркундаларга қарши курашувчи механизациялашган отрядлар ва лабораторияларда 10 мингдан кўпроқ энтомолог, фитапатолог ва бошқа мутахассислар ишлади. 11 та зона агрокимё лабораториясига эга бўлган агрокимё хизмати ҳам фаолият олиб борди. Улар 2 млн. 175 минг гектар суғориладиган майдонда текширув олиб бориб, тупроқ агрокимё картограммаларини туздилар, тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқдилар [2].

Шунга қарамай, республикада хўжаликларга агрокимё хизмати кўрсатиш, ўғит солиш нормалари ҳамма вақт ҳам илмий талабларга жавоб бермади.

*Иқтисодиёт ва механизация лабораторияси* 1935 йилда ташкил этилган бўлиб, у пахтачиликда ўсимликларни химоя қилиш механизациялари билан шуғулланди. Лабораторияда трактор билан дори сепиш усуллари ўрганиб чиқилди. Лаборатория ходимлари билан Тошкент вилояти Ўртачирчиқ район Свердлов номли совхоз механизаторлари билан дори пурковчи тракторларнинг ОН-4-8 ва ОН 8-16 дори пурковчи ускуналари ОВТ-1 ускунасига алмаштирилди. Бу ускуна дорини фақат пахтага сепиши ва узоққа сачрамаслигининг олдини олди [8]. Бу лабораториянинг асосий вазифаси пахтани заракундалардан химоя қилишда пестицид биопрепаратлардан фойдаланишни такомиллаштириш, атроф-муҳитни зарарланишининг олдини олиш, биологик. иқтисодий тадқиқотлар олиб



бориш, ўсимларни ҳимоя қилиш хизмати йўллари ишлаб чиқиш кабилардан иборат бўлди.

*Патентлаш ва илмий-техник бўлим* 1976 йилда ташкил этилган бўлиб, бу бўлимда кутубхонанинг илмий-техник информация гуруҳи ҳамда патентлаш ва фотолаборатория ишлади. Бўлим илмий таҳлил қилишни ташкиллаштириш, маҳаллий ва хорижий фанларнинг илмий-техник ва патент маълумотларини топиш ва умумлаштириш, маълумотномаларни кенгайтириш, бўлим фаолитига оид хориж маълумотларини тўплаш, адабиётларни йиғиш ва библиографиясини тузиш, кутубхонага келувчиларга шароитлар яратиш ҳамда институт фаолияти билан боғлиқ адабиётлар билан ишлаш, тадқиқотчиларга тақдим этиш, турли илмий маълумотларни тўплашдан иборат бўлди.

*Институтнинг ҚАССР энтомология лабораторияси* ҳам бўлиб, у 1974 йилда ташкил этилди. Бу лаборатория ҳам ҳудуд иқлими ва шароитини ўрганган ҳолда тадқиқот ишларини олиб борди [8].

Қўқон таянч пункти РСФСР ХКСнинг 1920 йил 2 ноябрдаги “Туркистон ва Озарбайжон социалистик республикаларида пахтачиликни тиклаш ҳақида”ги Декретидан келиб чиқиб 1922 йилда ташкил этилган. Таянч пунктнинг вазифаси тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғ экишнинг қулай вариантини топиш, навларнинг кўп ҳосил берадиган ва қулай турларини аниқлаш каби вазифалардан иборат бўлди. 1957 йил Қўқон таянч пункти Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясининг Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтига ўтказилди. 1963 йилга қадар Қўқон таянч пунктида 2 нафар олий маълумотли ходим, 3 нафар лаборант, 2 нафар доимий ишчи ишлади [7].

1980 йилларга келиб мева-сабзавот экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг интеграциялашган лабораторияси очилди ва лаборатория ҳам мева-сабзавот маҳсулотларини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг бирлашган тизимига қаратилди [8].

Ушбу маълумотлар институтни асосан ўсимликшунослик ва пахтачилик соҳасида тадқиқот ишларини амалга оширишга, яъни ўлкада қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб боришга кенг эътибор берилганлигини исботлайди. Чунки бу даврларда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида пахтага ҳаддан ташқари устуворлик берилиб, унга энг асосий ва стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экини сифатида қаралган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Аберкулов Н. Ўзбекистон “оқ олтин” ўлкаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975.
2. Агросаноат комплекси янгиланиш йўлида. – Тошкент: Мехнат, 1989.
3. Деҳқонларнинг меҳнат жасорати //Совет Ўзбекистони, 1971 йил 23 ноябрь. – Б.8.
4. Захаренко В.А., Новожилов К.В., Павлюшин В.А. К 75-летию образования Российской Академии Сельскохозяйственных наук этапы развития фитосанитарной науки в системе Академии // Вестник защиты растений, 2004. – №2. – С.3.
5. Илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ва ғўза агротехникаси масалаларига бағишланган жумхурият семинар – кенгаши материаллари. – Самарқанд, 1990.
6. Пахта даласининг илмий уфқлари //Совет Ўзбекистони, 1978 йил 8 февраль.
7. 1911-1991. Среднеазиатский ордена трудового красного знамени научно-исследовательский институт защиты растений. – Ташкент: Мехнат, 1991.
8. Среднеазиатский ордена трудового красного знамени научно-исследовательский институт. – Ташкент: Ўзбекистон, 1982.
9. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд - 6161, - 28 ғала.